

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

Толибоева Нодира Одилжоновна,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

For citation: Nodira O. Tolibaeva. Issues of studying the activities of women of Uzbekistan in the implementation of social-political and economic reforms. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 10, pp. 36-55.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-10-3>

*Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019*

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада республикада жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини таъминлашда хотин-қизлар омили ва уларнинг кенг фаолиятини ўрганишга қаратилган “Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги фаолияти 1991-2018 йиллар мисолида” мавзусининг ўрганилиши тарихшунослик нуқтаи назаридан илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, хотин-қизлар, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, ислоҳотлар, тарихшунослик, уч гурӯҳ, совет даври, мустақиллик йиллари, хорижлик муаллифлар.

ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЖЕНЩИН УЗБЕКИСТАНА В ОСУЩЕСТВЛЕНИИ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ И ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ

Толибаева Нодира Одилжоновна,

Узбекский государственный университет мировых языков

Старший преподаватель кафедры истории Узбекистана

АННОТАЦИЯ

В данной статье с точки зрения историографии научно анализированы вопросы исследования на тему «Участие женщин Узбекистана в осуществлении экономических и социально-политических реформ на примере 1991 – 2018 гг.», направленная на изучение активной деятельности женщин в обеспечении рентабельности реформ, проводимых во всех сферах жизни общества в республике.

Ключевые слова: Узбекистан, женщины, социально-политические и экономические процессы, реформы, историография, три группы, советский период, годы независимости, зарубежные авторы.

ISSUES OF STUDYING THE ACTIVITIES OF WOMEN OF UZBEKISTAN IN THE IMPLEMENTATION OF SOCIAL-POLITICAL AND ECONOMIC REFORMS

Nodira O. Tolibaeva,

Uzbek state university of world languages

Senior Lecturer, Department of History of Uzbekistan

ANNOTATION

In this article, from the point of view of historiography, the research questions on the topic “Participation of women of Uzbekistan in the implementation of economic and socio-political reforms on the example of 1991 - 2018” are scientifically analyzed, aimed at studying the active work of women in ensuring the profitability of reforms carried out in all spheres of life society in the republic.

Key words: Uzbekistan, women, socio-political and economic processes, reforms, historiography, three groups, the Soviet period, years of independence, foreign authors.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш йўлидан дадил борилаётган экан, бу жараёнда хотин-қизлар манфаатлари ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги хуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи Ялпи мажлисидаги нутқида таъкидлаганидек: “Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-хуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда”.

Ўтган йиллар мобайнида, шунингдек, Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, аёлларнинг жамият ва оиласидаги аҳволини тубдан ўзгартириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, меҳнат хуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, уй-рўзгор юмушларини ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол қатнашиш билан оқилона олиб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида қатор ислоҳотлар амалга оширилди, бу эса аёлларга фамхўрлик сиёсати, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий ва маънавий манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинишининг далили сифатида намоён бўлди.

Мазкур мавзу ҳозиргача илмий билишнинг мустақил обьекти сифатида тадқиқ этилмаган. Шунингдек, мавзунинг айрим жиҳатлари алоҳида ҳолда тадқиқ этилган бўлиб, яхлит тарзда илмий ўрганилмаган. Ўрганилган тадқиқот ва илмий адабиётларни тарихшунослиги нуқтаи назаридан таҳлил этиш натижасида уч гуруҳга: совет даври ва мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётлар ҳамда хорижлик муаллифларнинг асарларига ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ совет даври тадқиқотларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги ўрни коммунистик мағкуранинг мақсад-манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ёритилган бўлиб, унда асосий эътибор хотин-қизларнинг жисмоний имкониятлари ҳисобга олинмагани ҳолда, улардан арzon ишчи кучи сифатида фойдала-

нишга қаратилган[1]. Маълумки, совет даврида хотин-қизларнинг мустақил тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши умуман мумкин бўлмаган, чунки совет даври сиёсатида иқтисодиётда давлат мулки ҳукмронлиги ўрнатилган бўлиб, хусусий мулкчилик шаклларини амалиётга татбиқ этишнинг имкони бўлмаган. Шунинг учун ҳам ушбу йўналишда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг моҳияти хотин-қизлар меҳнатидан янада кўпроқ фойдаланиш ва уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга янада кўпроқ жалб қилишга йўналтирилган эди[2].

Фақатгина XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, хотин-қизларнинг ўзига хос ижтимоий муаммолари, уларнинг оғир аҳволи ҳақида-ги масалалар ўртага ташланди. Чунки, 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган “қайта қуриш сиёсати”, “янгича фикрлаш”, демократия ҳамда ошкоралик жараёнининг ўсиб бориши, ҳукмрон мафкура тазиқининг бўшашуви натижасида миллий ўзликни англашнинг ўсишига, тарихий ҳақиқатнинг тикланишига ижтимоий зарурат туғилди. Бироқ, “қайта қуриш”нинг дастлабки йилларида ҳам аввалгидек, хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ролига ижобий баҳо берилди[3]. Хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш муаммолари, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, майший турмуш тарзига эътиборни кучайтириш каби масалалар илк маротаба Р.Аминова, Д.Алимова, Р.Убайдуллаева, Д.Бобожонова, В.Чеботарёва каби олималарнинг рисола ва қўлланмаларида[4] ёритилди. Улар хотин-қизларнинг кўпроқ оғир саноатда қийин шароитда меҳнат қилаётгани, бу эса улар жисмоний имкониятининг ўзига хос хусусиятларига мос келмаслиги, аёллар меҳнатидан унумли фойдаланиш муаммоси ишлаб чиқариш билан чекланмаслиги, малакали фаолиятни оила вазифалари билан бирга олиб бориш осон эмаслиги, хотин-қизларнинг касаначилик меҳнатидан, кўп болали аёлларнинг тўла бўлмаган иш кунидан фойдаланиш имкониятлари каби масалалар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирилар. “Қайта қуриш” йиллари адабиётининг хизмати шундан иборат бўлдики, унда хотин-қизлар ҳаракатини баҳолашга янгича услубий ёндошувнинг ишлаб чиқилиши зарурлиги асослаб берилди. Лекин бу масаланинг тўлиқ ҳал қилинишига муваффақ бўлинмади. Чунки, коммунистик мафкуранинг давом этиб келаётган ҳукмронлиги, совет тузумнинг сақланиб турганлиги бунга имкон бермади.

Советлар даврида нашр этилган адабиётларнинг илмий таҳлили куйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

- шу пайтгача яратилган тадқиқотларда тарихий воқеаларни акс эттирувчи бой фактик материаллар тўпланди ва умумлаштирилди,

аммо тадқиқотларнинг барчаси мафкуравий дормалар ҳукмронлиги даврида ёзилган бўлиб, уларда ўша даврдаги ҳукмрон мафкуранинг кучли таъсири сезилиб туради;

- ўрганилаётган масалалар коммунистик мафкура тазиқи остида расмий андозага айланган қарашлар нуқтаи назаридан бир ёқлама ёритилган ва ниҳоятда сиёсийлаштирилган;

- совет ҳукумати томонидан хотин-қизлар масаласининг “ҳал этилганлиги” ҳақидаги файриилмий хулосани асослаш, миллий, диний, анъанавий қадриятларга қарши кураш foяси тадқиқотлар моҳиятини ташкил этган.

Иккинчи гурӯҳ адабиётларини мустақиллик йилларида чоп этилган асарлар ташкил этади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейингина холисона илмий таҳлилга кенг имкониятлар очиб берилди. Шу жумладан, совет ҳокимиятининг маҳаллий миллат хотин-қизларига муносабатида тарихий ҳақиқатнинг тикланишига ва хотин-қизлар масаласи бўйича ижтимоий-гуманитар фанларнинг барча соҳаларида илмий-тадқиқот ишлари^[5] олиб борилишига имконият яратди. Мазкур тадқиқотларнинг барчасида илгари сурилган foялар, илмий изланиш натижасида келиб чиққан зарур таклиф, тавсия ва хулосалар хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий аҳволига холисона баҳо берилганлиги билан аҳамиятлидир. Лекин, мустақиллик йилларида хотин-қизлар масаласига бағишланган илмий-тадқиқот ишларида айнан хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги фаолияти тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган бўлиб, мазкур муаммонинг айрим жиҳатларига бағишланган мақолалар^[6] чоп этилган.

Д.Алимованинг хужжатли манбалар ва кенг архив материалларини таҳлил қилиш орқали ёзилган Ўрта Осиё хотин-қизлари масаласига бағишланган илмий монографияси ва кўплаб илмий мақолалари ўз мазмун-моҳиятига кўра, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва оиласидаги ўрни масалаларини анъанавий қарашлар ҳамда тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан талқин этилганлиги билан ажраби туради^[7].

Шунингдек, тарихчи олима Д.Бобожонованинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларга бағишланган қатор илмий ишларида ҳам ижтимоий муаммолардан бири аёлларни ўзларига муносаб иш билан таъминлаш, уларнинг олий таълим даражаси касбий машғуллигига мос келмаслиги, аёлларнинг кам малакали ёки малакасиз меҳнат билан бандлиги эркакларга нисбатан юқори эканлиги, республика саноа-

ти, қурилиши, қишлоқ хўжалигига қўл меҳнати билан машғул аёлларнинг улуши юқорилиги, аёлларни халқ хўжалигига жалб қилиш республика бўйича бир текисда эмаслиги каби муаммолар ва уларнинг ечими бўйича хulosалар берилган [8].

Н.Жўраеванинг “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20-30 йиллари)” мавзусидаги номзодлик диссертациясида совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида хотин-қизларга нисбатан муносабатдаги инқилобий ўзгаришлар билан боғлиқ сиёсатнинг мустамлакачилик моҳияти янгича тафаккур, мустақиллик мафкураси асосида илмий таҳлил қилинган[9].

Я.Абдуллаеванинг “Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (XIX аср охири- XX аср)” монографияси[10] ҳамда мазкур мавзудаги докторлик диссертациясида[11] қорақалпоқ хотин-қизларининг ижтимоий аҳволи, жамиятда тутган ўрни ва роли уч тарихий давр, яъни рус чоризми ва совет мустамлакачилиги ҳамда мустақиллик даври мисолида илмий ўрганилган.

Г.Фаниеванинг “Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: янгича ёндашув, муаммолар ва ечимлар (1991-2005й.)” мавзусидаги номзодлик диссертациясида мустақиллик йилларида аёллар масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, уларни қўллаб-қувватлашнинг янги концепцияси илмий жиҳатдан комплекс ўрганилган. Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврига хос янги бир йўналиш хотин-қизлар тадбиркорлиги соҳасидаги фаолият ва унинг аёллар ҳаётига ижобий таъсири, аҳамияти очиб берилган [12].

Д.Собированинг “Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40-80 йиллари)” мавзусидаги номзодлик диссертациясида совет давлатининг коммунистик партия раҳнамолигига хотин-қизларга нисбатан олиб борган сиёсатининг моҳияти тарихий манбалар, кенг хужжатли архив материаллари асосида илмий ўрганилган [13].

Сиёсатшунос олим Э.Султонова томонидан Ўзбекистон хотин-қизларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда роли илк бор сиёсий нуқтаи назардан ўрганилган бўлиб, унда Ўзбекистонда хотин-қизларга оид стратегик вазифалар, мамлакатни демократлаштириш жараёнida хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишнинг хукуқий кафолатлари, аёлларда сиёсий лидерлик хусусиятлари, давлат томонидан яратилган имкониятлар аёллар ижтимоий фаоллигини таъминлагани ҳолда уларнинг оила ва жамиятда муносиб ўринга эга бўлишида долзарб аҳамият касб этаётгани, мазкур масалаларда

улар олдида турган муаммо ва камчиликлар ечими юзасидан илмий-назарий хulosалар берилган [14].

Хукуқшунос М.Инагамованинг “Аёл ҳукуқлари: генезиси ва ҳозирги ҳолати” номли ўқув қўлланмасида республикада оила ва никоҳ муносабатлари, аёл ҳукуқлари мамлакат ва хорижий давлатлар мисолида, Ўзбекистонда аёл ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг ҳукуқий асослари каби масалаларга эътибор қилинган бўлиб, аёллар ва уларга берилган имтиёзлар, уларнинг давлат бошқарувидаги иштироки масалалари ёритилган ва хорижий мамлакатларнинг бу борадаги қонунчилик тажрибаси қиёсий таҳлил қилинган [15].

Социолог тадқиқотчи М.Фаффорованинг “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи” мавзусидаги илмий тадқиқот ишида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ретроспектив хусусиятларини очиб бериш, жамият ижтимоий-сиёсий тузилмасида аёллар мавқеи ва ролини конкрет социологик тадқиқот методлари асосида тизимли ўрганиш, жамиятни модернизациялаш шароитида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқеини юксалтириш ва фаоллигини оширишнинг ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш, замонавий раҳбар аёлнинг социал портрети, хотин-қизлар касб маҳоратини такомиллаштириш ва сиёсий етакчилиги мақомини кучайтиришнинг ижтимоий омиллари очиб берилган [16].

С.Иномованинг “Эъзозли аёл иқболи: давр-жамият-шахс” номли монографиясида мустақиллик йилларида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш, иқтисодий фаоллигини таъминлаш, уларнинг маънавий-маърифий жараёнлардаги иштирокини янада кенгайтириш борасида олиб борилган давлат сиёсатининг моҳияти ва аҳамияди ёритилган [17].

Иқтисод йўналишидаги илмий-тадқиқот ишларида олимлар (З.Тўқаева, М.Ирисова, Р.Убайдуллаева, В.Баумгертнер, Р.Муртазина, О.Немировская, Н.Зокирова, Н.Рахимова, А.Гонорская, Г.Утамуратова, Ж.Бобоназарова, А.Ирматова)[18]нинг эътибори аёллар бандлиги масаласи, бозор муносабатларига ўтиш шароитида уни ҳал этиш йўллари, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар меҳнатининг ҳалқ хўжалиги турли соҳалари бўйича тақсимланиши, хотин-қизларнинг иқтисодиёт соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ишсиз аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ва муаммоларини ўрганишга қаратилди. Жумладан, О.Немировская ўз тадқиқотларида республиканинг қатор вилоятларида олиб борилган социологик сўровлар орқали аёлларнинг ўзаро меҳнат жараёнида соғлом рақобат муҳи-

тини яратиш ҳамда қасбий фаолликни таъминлашга қатор омиллар имкон бермаслигини аниқлаган. Хусусан, хотин-қизлар иш билан бандлиги даражасининг эркакларга нисбатан пастлиги; хотин-қизларга мос қишлоқ хўжалиги ишларининг мавсумийлиги; уларнинг маълумотлилик даражаси ва қасбий малакасининг етарли эмаслиги; қишлоқ хўжалиги ишларида хотин-қизлар ўртасида кам ҳақ тўлана-диган оғир қўл меҳнатининг юқорилиги; демографик хусусиятлар[19] шулар жумласидандир.

Хотин-қизларнинг ҳаёти ва иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатувчи мазкур омиллар таҳлили қуйидагича:

- оила хўжаликларида аёлларнинг кўчмас мулк, уй-жойга, ерга эгалик қилишдаги мулкий ҳуқуқлари, оила даромадларини бошқаришда иштирок этиш имкониятлари чекланганлиги уларнинг иқтисодий мақоми пастлигидан далолат беради;

- қишлоқ жойларида коммунал майший хизматлар кўрсатишнинг пастлиги, тоза ичимлик сувининг етишмаслиги, газлаштириш ва канализация таъминотининг етарли даражада эмаслиги улар турмуш даражасининг юксалишига имкон бермасди [20].

В.Баумгертнер эса, хотин-қизлар иқтисодий фаолияти давомида дуч келаётган муаммоларни айнан раҳбар органларнинг бюрократизми туфайли юзага келаётганлигини эътироф этган. Унинг таъкидлашича, ҳар тўртинчи (24,4 %) аёл солиқ назорати идораларининг асоссиз равишда тез-тез текшириб туришидан норозилигини билдирган [21]. Тадқиқотлар натижасида тадбиркор аёлларнинг 34,7 % и хизмат мажбуриятлари учун кунига 9-10 соатгача, ҳафтасига 50-65 соатгача вақт сарфлаши аниқланган. Бундан ташқари ҳар бешинчи аёл иш жойларида бир кунда 10 соатдан ортиқ, ҳар учинчи аёл эса ҳафтасига 65 соатдан ортиқ банд бўлар экан. Аёлнинг уй бекаси сифатидаги уй-рўзгор ишлари ҳам ҳисобга олинса, унинг умумий иш ҳажми яна-да ортади [22]. Статистик маълумотларга кўра, аёллар уй юмушларига 63 % вақтларини ажратадилар. Бу эркакларга нисбатан 1,8 маротаба кўпроқдир. Аёллар табиийки, спорт билан шуғулланиш учун ҳам эркакларга нисбатан 3 маротаба камроқ вақтга эгадирлар [23].

Тадқиқотчи С.Жабборовнинг таъкидлашича, бозор иқтисодиёти шароитида аёллар оила бюджетини сақлаб қолиш мақсадида кир ювиш, кимёвий тозалаш, ателье ва бошқа турдаги хизматлардан ўзларини четга оладилар ва ушбу юмушларни ўzlари қилишга ҳаракат қиласидилар. Уй юмушлари билан банд бўлган аёллар ўз малакаларини оширишга ҳам вақтларини етказа олмайдилар (баъзи оилаларда сақланиб қолган анъаналар ҳам бунга тўскенинлик қиласиди) [24].

Иқтисодий ҳаётда хотин-қизлар ишчи кучининг 46,7 %ини [25] ташкил этса-да, лекин уларнинг асосий қисми иш ҳақи даражаси паст бўлган соҳаларда жамланган. Натижада, аёллар норасмий ра-вишда қўшимча жойларда ҳам ишлашга мажбур бўладилар. Бундан ташқари, ишчи кучининг умумий ҳажмида хотин-қизлар сони тез ўсган бўлса-да, ишсизлар сони ҳам қамаймаётганлиги кузатилади[26]. Сир эмаски, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида барча муассаса ва ташкилотлар рақобатда голиб бўлиш учун иш жойларини қисқарти-риш даврида биринчи бўлиб аёлларни қисқартирадилар. Ишга олиш-да ҳам ишчи кучи сифатида эркаклар афзалроқ ҳисобланадилар.

Иқтисодчи олима Н.Рахимованинг фикрига кўра, 2002 йилда аёл-лар иқтисодиётда аҳоли сонининг 13 млн. нафарини ёки 44 %ини ташкил этиб, 3 та асосий сабаб бўйича улар ўртасидаги ишсизлик 57,3 %га етган [27].

Яъни: биринчидан – иқтисодий ислоҳотлар натижасида бир неча ташкилотларнинг банкрот ҳолатига тушиши сабабли аёлларнинг объектив равишда ишдан бўшатилиши;

иккинчидан – бозор иқтисодиёти ривожланишида айрим соҳаларда аёллар меҳнатига эҳтиёж қолмаганлиги туфайли уларнинг уй бекаси бўлиб қолиши ёки меҳнат биржаларига боришга мажбур бўлиши;

учинчидан, бугунги кунда аёллар ўзларини иш билан банд қилиш мақсадида “бизнес билан шуғулланиш” истагида “челночная торговля” деб ном олган маҳсус соҳага жалб этилиши билан боғлиқ. Лекин бу тадбиркорлик усули қатор қийинчиликлар яратгани учун аёлларнинг кўпчилиги яна ишсизлар қаторига кириб қолмоқдалар [28]. Ушбу усулда бизнес олиб борадиган аёллар ҳуқуқий жиҳатдан билими саёз, иқтисодиёт қонунларини билишда суст, сиёсий ўзгаришлардан беха-бар ва энг асосийси, улар ўз фаолиятларига қатъий ишонмайдилар. Уларнинг назарида яқин вақтда ишсиз бўлиб қолиш эҳтимоли бор, ушбу нохуш вазиятнинг олдини олиш учун қўрқиб ишлайдилар. Натижада, улар ўз кичик бизнесини ҳам йўқотадилар.

Маълумки, юксак малакали ишга юқори даражада иш ҳақи тўла-нади. Масалан, иқтисод ва ҳуқуқий соҳа эгалари кўпроқ эркаклар бўлиб, кам даромад келтирувчи касбларда аёллар ишлайди. Ваҳолан-ки, давлатнинг ривожланиш стратегиясида аёлларнинг таълим оли-ши, репродуктив саломатлиги, меҳнатда тенг ҳуқуқлилиги кафолат-ланмаса, ҳақиқий тараққиётни таъминлаб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам, 1995 йилда республикада аёлларни камситиши-нинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича Конвенция (СЕДАВ)

ратификация қилинди ва мажбуриятларнинг кўпчилиги мамлакат қонунларига киритилди. Лекин қонуний ҳужжатлар қабул қилинган бўлса ҳам, ҳанузгача шундай соҳалар борки, аёлларнинг у ердаги иштироки замонавий талабларга тўғри келмайди. Масалан, сиёсий ҳаётда аҳолининг 51 %ини ташкил қиласидан хотин-қизлар маъмурий ходимлар ва менежерларнинг 18 %дан кам қисмини [29] ва парламент депутатларининг 10 %дан кам (6,2%) қисмини ташкил қиласиди.

Шундай экан, мазкур тадқиқотларда ўрганилаётган муаммонинг комплекс тарзда тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилмаганлиги танланган мавзунинг тадқиқот обьекти сифатида илк маротаба илмий таҳлил этишга асос бўлади.

Ҳуқуқшунослик соҳасида, ижтимоий фалсафа, педагогика йўналишларида ҳам хотин-қизлар масаласининг турли жиҳатлари бўйича, хусусан, аёлларнинг жамият ҳаётидаги тенг иштирокини ижтимоий муҳофазалаш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий мақоми ва унинг ҳуқуқий асослари, аёллар ўртасида ҳуқуқий саводхонлик ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, шунингдек, хотин-қизлар касбий фаолияти самарадорлигини оширишга оид кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди [30].

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизларнинг аҳволи кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқлиги туфайли ушбу масалага катта эътибор қаратилган. Чоп этилган илмий мақола ва тадқиқот ишларида аёллар ҳуқуқи ва эркинликлари, гендер тенгликка оид ижтимоий масалалар қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида кенг ёритиб берилган [31].

Шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормаларига оид ҳужжатлар [32], хотин-қизлар камситилишининг олдини олиш борасидаги қонун ҳужжатлари [33], ижтимоий-иктисодий ҳуқуқ соҳасида хотин-қизларга нисбатан ҳуқуқий кафолатлар [34], оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги қонуний кафолатларга оид тўпламлар чоп этилган [35].

Мустақиллик йилларида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг илмий таҳлили қуйидаги хulosаларга келиш имконини беради:

- янгича тафаккур тарзида яратилган тадқиқотларда совет даврига нисбатан танқидий-салбий қарашиб юзасидан хulosалар қилинган;
- совет даврида хотин-қизларни маданий-маърифий жараёнларга жалб этиш, уларнинг ўз истеъод ва салоҳиятларини намоён этиши учун яратиб берилган шарт-шароитларнинг ижобий аҳамият касб этгани тадқиқотларда ўз аксини топмаган;
- мустақиллик йилларига оид аксарият илмий изланишларда танланган мавзунинг ижобий томонлари ёритилган, мавзу доирасидаги

муаммолар ҳамда камчиликларнинг ечими бўйича таклифлар келтирилмаган;

- юқорида қайд этилган илмий-тадқиқот ишларида айнан хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар жараёнидаги фаолиятининг айрим жиҳатлари ёритилган бўлиб, мазкур муаммо комплекс тарзда тарихийлик нуқтаи назаридан илмий ўрганилмаган.

Шунингдек, танланган мавзу доирасидаги айрим масалалар, яъни советлар томонидан хотин-қизларга нисбатан олиб борилган, сиёсат моҳияти, мазкур сиёсат натижасида аёллар иктисодий аҳволи муаммоларининг мустақиллик йилларида намоён бўлиши масалалари хорижий тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилган ҳамда илмий таҳлил этилган бўлиб, мазкур асарлар туркуми мавзу ўрганилишининг учинчи гуруҳига киради [36]. Масалан, М.Сакс ўз тадқиқотида иш жойида эркак ва аёллар мавқеидаги тенгсизлик асосан икки хил шаклда яъни, ишловчи аёлларнинг касб ва мансаб жиҳатдан ўсишини чеклаб қўйиш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашда намоён бўлишини таъкидлайди [37].

Ш.Марни томонидан ўтказилган тадқиқотда эса, хотин-қизларни тайёрлов курсларига қабул қилиш, ишга ёллаш ва ишдан бўшатиш, раҳбарлик лавозимига тайинлаш чоғида уларни камситиш юқори даражада эканлиги қайд этилади [38].

М. Гафарли ва А. Касаевлар томонидан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ислоҳотлар жараёнида аёлларнинг фаол иштирок этаётганлиги, уларга нисбатан кўрсатилаётган фамхўрликнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиганлиги таъкидлангани ҳолда, гарбнинг қўпгина мамлакатларида, шарқ урф-одати тўғрисидаги анъанавий тасаввурлар таъсирида Ўзбекистондаги хотин-қизлар аҳволи тўғрисида нотўғри хуласалар мавжудлиги баён этилган. Шу ўринда қайд этиш керакки, жаҳондаги бошқа биронта мамлакатда аёлларга нисбатан бу даражада имтиёз бериш назарда тутилмаган. Яъни, заарли ва жисмоний зўриқиши катта бўлган ишлаб чиқариш соҳасида аёллар учун иш ҳафтаси қисқартирилиганлиги, аёллар ташийдиган юкнинг оғирлик чегараси 15 кг дан 9 кг га, қизлар учун эса 10 кг дан 7 кгга камайтирилиганлиги шулар жумласидандир [39]. Ваҳоланки, социализм даврида, ишлаб чиқариш, хусусан, саноатнинг оғир ва кимёвий тармоқларида аёллар билан эркакларнинг хукуқлари тенглаштирилган эди. Бундай тенгликдан, аввало, аёлларнинг ўзи азоб чекканлиги муаллифлар томонидан эътироф этилган [40].

Шунингдек, БМТ Ривожланиш Дастури, Осиё Тараққиёт Банки томонидан Минг йиллик ривожланиш дастурига доир ўтказилган та-

дқиқотларда Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлашда миллий устуворлик масаласи таҳлил қилинган бўлиб, уларда Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ўн йиллиги давомида марказлаштирилган иктисодиётдан бозор иктисодиётига ўтишда дуч келинган қийинчиликлар, ўтиш даврида қабул қилинган ривожланиш стратегиясининг иктисодиётга, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимиға, атроф муҳитга ҳамда давлат бошқарувига таъсири ўрганилган. Натижада ўтиш даврида алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатлам (малакасиз ишчилар, аёллар, кексалар, ногиронлар ва болалар) манфаатларига оид давлатнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг фаровонлигига алоҳида эътибор берилиши қайд этилган [41].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Орипов Ф. Ўзбекистонда ишчи кадрларининг ташкил топиш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1968. – 135б.; Абдурахмонов К. Илмий техника тараққиёти ва ишчи кадрлар тайёрлаш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. – 21б; Азизова М. Пахтачиликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ҳиссаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – 98б.; Исмоилова Г.У. Ўзбекистонда хотин-қиз ишчи кадрлар тайёрлаш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1983. – 22б.; Алимова Д. Хотин-қизлар ҳаёти адабиётларда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – 24 б; Тўрахўжаева З. Саноатда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш проблемалари. – Тошкент, 1989. – 21б.
2. Жўраева Н. Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фан.номзод. ... дисс. – Тошкент, 2004. – Б.11.
3. Муксимова О.Д. О деятельности партийных организаций по вовлечению женщин в текстильную промышленность Уз ССР в годы пятой пятилетки // Общественные науки в Узбекистане. 1985. – С.38-39; Рахимова М.Р. Экономическая эффективность использования женских кадров-специалистов в Узбекистане // Сборник научных трудов ТИНХ. Вып. 223. – Ташкент, 1985. – С.42-49; Аминова Р.Х. Славные дочери Родины// Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1986. №3. – С.13-19.
4. Бобоҷонова Д.Б. Енгил саноатда фан-техника тараққиёти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – 24 б.; Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917-1941гг). – Ташкент: Фан, 1987. – 70 с; Убайдуллаева Р.А. Вклад женщин в ускорение социально-экономического развития. – Ташкент: Знание, 1987. – С.19; Чеботарёва В.Г. Ўзбекис-

тон хотин-қизлари – янги жамиятнинг актив қурувчилари. – Тошкент: Билим. 1987. – 22 с; Султанова С. Больше внимания вопросам труда и быта женщин // Коммунист Узбекистана. 1987. №4. – С.62-66; Тураходжаева З. О женском труде в общественном производстве// Коммунист Узбекистана. 1988. № 12. – С.75-76; Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было // Коммунист Узбекистана. – Ташкент, 1989. № 9. – С.23; Бобожонова Д.Б. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида). – Тошкент: Шарқ, 1999. – 160 б.

5. Насруллаева Х. Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоийлашуви жараёнининг фалсафий таҳлили. Фалсафа фан. номзод. ...дисс. автореферати. – Тошкент, 2000. –20с.; Маткаримова Г.А. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. Автореф. дисс. ...докт.юрид.наук. –Тошкент, 2002.–41с.; Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоийвамиллийжиҳатлари. Фалсафафан. номзод. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2002. –20б.; Ўша муаллиф. Аёллар масаласи: умумижтимоийвамиллийжиҳатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 158б.; Муравьёва Н. Социально-философский анализ повышения социального статуса женщин. Автореф. дисс. ...канд.фил.-наук. –Ташкент, 2003. – 26 с.; Ходжаева С. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан. Автореф. дисс. ...канд.юрид.наук. –Тошкент, 2004. – 26с.; Жўраева Н. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фан. номзод. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 161б.; Абдуллаева Я. Женский вопрос в Каракалпакстане в конце XIX-XX в.в. (социально-политический аспект). Автореф. дисс. ...докт. истор. наук. – Тошкент, 2005. – 46 с.; Фаниева Г. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: янгича ёндашув, муаммолар ва ечимлар (1991-2005ий.). Тарих фан. номзод. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 26б.; Собирова Д. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40-80 йиллари). Тарих фан. номзод. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 173 б.; Faффорова М.Қ. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар маққеи. Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс.автореф. –Тошкент, 2018. – 44 б.

6. Васикова М. Ҳар бир аёл учун. – Тошкент: Адолат, 1994. – 120 б.; Аёлга эҳтиром: тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 320 б.; Валиева Б., Черкашина И. Ўзбекистонда хотин-қизлар, қонун ва жамият муаммолари: хотин-қизлар учун қўлланма, хотин-қизлар ресурс маркази. – Тошкент, 1999. – 159 б.; Мусурмонова О. Аёлларга давлат фам-

хўрлиги. Аёлга эҳтиром: тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 320 б.; Гафарли М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 430 б.; Дурдиева Г. Хива аёллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 144б.; Муравъёва Н. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. – Тошкент, 2004. – 121 б.; Холматова М. Аёлларнинг нодавлат ташкилотлари: муаммо ва ечимлар // Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2004. №1 – Б.15.; Мунавваров З., Крумм Р. Место женщины в современных мусульманских обществах. – Ташкент, 2006. – 199 б.; Ўзбекистон Республикаси: энциклопедик маълумотнома / Тўхлиев Н., Кременсова А. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2007, – 408 б.; Мустақил Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳимояси. Масъ. муҳ. Р.А. Убайдуллаева. – Тошкент, 2007. – 72 б.; Инагамова М.М. Аёл хуқуқлари: генезиси ва ҳозирги ҳолати. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашриёти, 2016. -67 б.

7. Алимова Д. Современное состояние женского вопроса в Узбекистане и задачи обществоведов / Социально-экономические проблемы Узбекистана в условиях перестройки. – Ташкент: Фан, 1990. – С.99-104; Ўша муаллиф. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии. Дисс. ...докт. истор. наук. – Тошкент. 1991. – 285 с.; Ўша муаллиф. Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы. – Ташкент: Фан, 1991. – 132с.; Ўша муаллиф. Мы не должны быть обществом, пропитанным идеей превосходства мужчин // Ташкентская правда. 1997. 26 март; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Тошкент: Фан, 1999. – 77 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва вазифалари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларини роли ва гендер муаммолари. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 16-20; Ўша муаллиф. Ўзбекистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. – Тошкент: Фан, 2005. – 119 б.; Ўша муаллиф. Миллий тафаккур ва аёллар масаласи: ўтмиш тимсоллари // Ўзбекистон хотин-қизлари кеча ва бугун. – Тошкент, 2005. – Б.5-9.; Ўша муаллиф. Марказий Осиё тарихшунослигига гендер тузилмаси мавжудми (мустамлака, совет ва ҳозирги замон) // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2008. №2. – Б.59-69.

8. Бобожонова Д. Аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш. – Тошкент: Абу Райхон Беруний номидаги ТДТУ, 1995. – 376.; Ўша муаллиф. Миллат фуурига айланган аёл // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1996. – № 1. – Б.14.

9. Жўраева Н. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фан. номзод. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 30 с.
10. Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (XIX-асрнинг охири ва XX аср). – Тошкент: Ijod dunyosi, 2004. – 223 б.; Абдуллаева Я. А. Ҳукмрон жамиятнинг аёллар ижтимоий онги ўзгаришига таъсири ва уларнинг аҳволи. (XIX асрнинг охирги чорагидан XX асрнинг 80 йилларигача. Қорақалпоғистон мисолида) // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2004. - №4. – Б. 156-160.
11. Абдуллаева Я. Женский вопрос в Каракалпакстане в конце XIX-XXв.в. (социально-политический аспект): Автореф. дисс. ...докт. истор. наук. –Тошкент, 2005. –46с.
12. Фаниева Г. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: янгича ёндашув, муаммолар ва ечимлар (1991-2005йй.). Тарих фан. номзод. ... дисс. автореф.– Тошкент, 2006. – 26б.
13. Собирова Д. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40-80 йиллари): Тарих фан. номзод. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 30б.
14. Султонова Э. Аёл давлатнинг ривожланиш стратегиясида (Глобал муаммо сифатида). Сиёс. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006.– 36 б.; Ўша муаллиф. Аёл насл эъзози. // Тафаккур, 2004. №4. – Б. 83-84; Ўша муаллиф. Аёлларда сиёсий арбоблик. // Халқаро муносабатлар, 2001. №1. – Б. 26-31. Ўша муаллиф. Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизлар иштирокини таъминланишининг сиёсий-ҳуқуқий омиллари // “Маънавият – жамият тараққиётининг бош мезони” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2011. – Б. 169-173; Ўша муаллиф. Средний класс как основа гарант и опора формирующегося гражданского общества. // Фуқаролик жамияти, 2011. №3. – Б.58-63.
15. Инагамова М.М. Аёл ҳуқуқлари: генезиси ва ҳозирги ҳолати. Ўқув кўлланма. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашриёти, 2016. -67 б.
16. Fafforova M.K. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи. Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс.автореф. –Тошкент, 2018. – 44 б.
17. Иномова С. Эъзозли аёл иқболи: давр-жамият-шахс. – Тошкент: Ўқитувчи НМИУ, 2005. – 96б.
18. Тўқаева З. Ўзбекистон хотин-қизлари қишлоқ хўжалигида. – Тошкент, 1991. – 22б.; Ирисова М. Занятность женщин Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореф. дисс...канд.

экон.наук.–Ташкент, 1995.–С.23.; Убайдуллаева Р.Ўзбекистон, бозор муносабатлариға ўтиш шароитида аёллар ва меҳнат // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1995. – №9. – Б.24-25.; Баумгертнер В. Ўзбек бизнесида “аёл қиёфаси” // Ижтимоий фикр. – Тошкент, 1998. – №1. – Б. 106-113.; Муртазина Р. Роль женщин в формировании семьи и в обществе // Ўзбекистонда оила ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 32-35; Убайдуллаева Р., Сысина Т. Исследование гендерных проблем – важное направление в развитии социальных наук Узбекистане // Ўзбекистонда оила ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 11-16.; Муртазина Р. Основные направления углубления экономических реформ в сфере занятности и социальной защиты населения // Ўзбекистон ғалабалар ва гуллаб-яшнаш йўлида. – Тошкент: Ижтимоий фикр, 2000. – Б.194-201.; Немировская О. Экономическое поведение сельских женщин: ориентации, установки, действия. – Тошкент, 2001. – 72с.; Зокирова Н. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини социал ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. (Ўзбекистон Республикаси оиласи мисолида). Иқтисод фанлари номз. ...дисс. – Тошкент, 2001. – 154 б.; Раҳимова Н. Конкурентоспособность женской рабочей силы // Бозор, пул, кредит. – Тошкент, 2002. – №2. – С. 84-86.; Гонорская А. Обеспечение занятности трудовых ресурсов Республики Узбекистан с использованием потенциала негосударственных некоммерческих организаций (на пример женской занятности). Автореф. дисс. ...канд.экон.наук. – Ташкент, 2002. – 24 с.; Ўшамуаллиф. Аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари хотин-қизлар бандлигини шакллантириш манбаи сифатида // Ўзбекистон хотин-қизларининг ўтиш даври тараққиёти ва ижтимоий ислоҳотлардаги иштироки. – Тошкент: Аёллар Ресурс Маркази. 2002. – Б. 53-56. Утамуратова Г. Совершенствование управления занятостью женских трудовых ресурсов. Автореф. дисс. ...канд. экон.наук. – Ташкент, 2002. – 25 с.; Бобоназарова Ж. Қишлоқ аёлларининг ишсизлигини камайтириш (Жиззах вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номз. ...дисс. – Тошкент, 2002. – 138 б.; Убайдуллаева Р., Сысина Т. Жизнь и проблемы женщин в зеркале социологических исследований. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳукуқлари. – Тошкент, 2007. – №1. – Б. 135-142; Ирматова А. Ишсиз аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш (Тошкент вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номз. ...дисс. – Тошкент, 2010. – 150 б.

19. Немировская О. Экономическое поведение сельских женщин: ориентации, установки, действия. – Тошкент: Женский Ресурсный Центр, 2001. – С.2.
20. Немировская О. Экономическое поведение сельских женщин: ориентации, установки, действия. – Тошкент: Женский Ресурсный Центр, 2001. – С.3.
21. Баумгертнер В. Ўзбек бизнесида “аёллар қиёфаси” // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 1998. – № 1. – Б.110.
22. Баумгертнер В. Ўзбек бизнесида “аёллар қиёфаси” // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 1998. – № 1. – Б. 112.
23. Қаранг: Женщины и мужчины Узбекистана. Статистический сборник. – Тошкент, 2002. – Б.105
24. Қаранг: Жабборов С. Ўзбекоиласи, унингтаркибиваанъаналари / / Ижтимоийфикр. Инсонхуқуқлари. – Тошкент, 2003, №4. – Б. 114 -116
25. Женщины и мужчины Узбекистана. Статистический сборник. – Тошкент, 2010. – Б.153
26. Қаранг: Ўзбекистонда ўтиш даврида инсон тараққиёти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000, – Б.31
27. Рахимова Н. Проблемы занятности женщин в условиях формирования рыночных отношений в Узбекистане //Ижтимоийфикр. Инсонхуқуқлари. – Тошкент, 2003. №4, – Б.40.
28. Султонова Э. Аёлдавлатнингривожланишстратегиясида (Глобал-муаммосифатида). – Тошкент: ЖИДУ, 2005.– Б.145.
29. Султонова Э. Аёл давлатнинг ривожланиш стратегиясида (Глобал муаммо сифатида). – Тошкент: ЖИДУ, 2005. – Б.139.
30. Атаходжаев Ф. Развитие законодательства о браке Республики Узбекистан и проблемы его дальнейшего совершенствования. Автореф. дисс. ...докт. юрид. наук. – Ташкент, 1999, – 30 б.; Ахророва С. Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари. Фалс. фан. номзод. ...дисс. – Тошкент, 2005, – 153 б; Насруллаева Х. Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоийлашуви жараёнининг фалсафий таҳлили. Фалс. фан. номзод. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 20 б.; Маткаримова Г. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. – Ташкент, 2003. – 26 с.; Хаджаева С. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан. Автореф. дисс. ...докт. юрид. наук. – Ташкент, 2004. – 26 с.; Ҳамраева Ш. Аёллар трафиги (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. номзод. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 22 б.; Темирова У. Ҳарбий хизматчи хотин-қизларни

касбий фаолияти самарадорлигини оширишнинг тарбиявий омиллари. Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – Тошкент, 2008. – 23 б.; Ўразалиева Г. Гендер муносабатларининг аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга таъсири (социологик таҳлил). Соц. фанлари номз. ...дисс. – Тошкент, 2006, – 147 б.; Абдурасулова К. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва кримонологик муаммолари. Юрид. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 2005, – 305 б.; Ҳусейнова А. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёллар фаолигини ошириш муаммолари (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фанлари докт. ...дисс. – Тошкент, 2011, – 300 б.

31. Васикова М. Ҳар бир аёл учун. – Тошкент: Адолат, 1994. – 120 б.; Отажӯжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 172 б.; Муҳамедов Р. Никоҳ шартномаси // Қонун ҳимоясида. – Ташкент, 1998. -№ 5-6. – Б. 14-15; Абдурасулова К. Криминалистическая характеристика женской преступности // Женщина-право-общество. – Ташкент: ТГЮИ, 1999. – С. 90-98.; Валиева Б., Черкашина И. Ўзбекистонда хотин-қизлар, қонун ва жамият муаммолари: хотин-қизлар учун қўлланма. – Тошкент: Аёллар ресурс маркази, 1999. – 159б.; Раширова С. Омбудсман и защита прав женщин на социальное развитие / Аёл ва ҳуқуқ. – Ташкент, 1999. – Б. 29-40; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш муаммолари // Ўзбекистонда “Гендер ва ривожланиш” хабарномаси. – Тошкент, 1999. -№2. – Б.17-23; Сайдов А. Ўзбекистон ва аёллар ҳуқуқи ҳақидаги халқаро конвенция / Аёл ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999. – Б. 41-77; Ўша муаллиф. Аёлларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий тизимлари // XXI аср бўсағасида Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий салоҳиятини оширишга кўмаклашиш имконияти (социологик сўров натижалари). – Тошкент: Ижтимоий фикр, 1999. – Б. 78-91; Тансықбаева Г. Женщина: ее права и свободы, проблемы, пути решения // Женщина-право-общество. – Ташкент: ТГЮИ, 1999. – С.17-34.; Отажӯжаев Ф. Оила ҳуқуқи / Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б.30-97; Гартман И. Аёллар ҳуқуқлари муҳофазаси жамият ва давлатнинг бурчи ҳамда вазифасидир / Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари. – Тошкент: Адолат, 2002. – Б.84-97.; Гасанов М. Ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар соҳасида хотин-қизларнинг дискриминация қилинишига йўл қўйилмаслиги / Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари. – Тошкент: Адолат, 2002. – Б. 30-44.; Иноқова М. Ҳаётнинг барча соҳаларида аёл ҳуқуқи муҳофазасининг ҳуқуқий кафолатлари /Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари. – Тошкент: Адолат, 2002. – Б. 75-83; Тан-

сықбаева Г. Аёлларнинг дискриминация қилинишини бартараф этиш – уларнинг амалдаги тенглигининг зарурий шарти / Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари. – Тошкент: Адолат, 2002. – Б. 8-29; Қориева Н. Аёлларнинг тарихий илдизлари / Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари. – Тошкент: Адолат, 2002. – Б. 68-74.; Раширова С. Права человека и гендерные аспекты // Ўзбекистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. – Тошкент, 2005. – Б. 58-68.

32. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Тошкент: Адолат, 2002. – 270 б.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1991 йил 30 сентябрдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги 217 А (III) қарори)га қўшилиш тўғрисидаги №366 – сонли Қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг 640 – сонли қарори) га қўшилиш тўғрисидаги № 501-1 сонли Қарори.

33. Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин, принятая Генеральной Ассамблеей ООН 18 декабря 1979 года. – Ташкент: Бюро Гендер и развитие, 1998. – 18 с.

34. Содиқов Х. Аёл-жамият қўрки // Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б.3-6; Одилқориев Ҳ. Фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликлари // Ўша манба. – Б. 7-30; Отахўжаев Ф. Оила ҳуқуқи // Ўша манба. – Б. 31-106; Иноятов А., Турсунов Й. Ижтимоий таъминот соҳасида аёлларга бериладиган қўшимча кафолатлар // Ўша манба. – Б. 203-236.

35. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича қонун хужжатлари тўплами / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. – Тошкент, 2004. – 656 б.;

36. Сакс М.Работа и равенство в советском обществе. Нью-Йорк.1982, - 189 с.; Марни Ш. Советская биржа труда в переходной период. – Флоренция, 1992, – С.138.; Женщины мира: - Тенденции и статистика ООН. – Нью-Йорк, 1995. – С. 207; Сакс М. Тезисы, статьи, подготовленной для ЮНИСЕФ. – Флоренция, 1998. – 147 с.; Займалин Е.П, Социальная организация труда. – Ульяновск, 1996. – С. 248; Майорова Г. Правовой статус женщины в переходной период // Женщины Центральной Азии за мир и стабильность. –Ташкент –Хужанд, 2000. –С. 27.; Wohrmann Frieder. Economic discjurse in Uzbekistan. The perception of economic change between market Principles and social

Traditions. – Bochum, 2000. – P.278.; The status of women and children: Uzbekistan, multiple indicator cluster survey – UNISEF (The United Nations Children fund) – N.Y, 2001. – P.81.; Uzbekistan Energy sector: Issues, analysis and agenda for reform. R. Sharma, Z.Breford, M.Iskakov, P.Thomson. – Washington: the World Bank, 2003. – P.42.; Uzbekistan country financial accountability assessment Document of the World Bank, October 19, 2004. – Washington: the World Bank, 2004. – P. 53.

37. Сакс М.Работа и равенство в советском обществе. Нью-Йорк. 1982. – С. 189.

38. Марни Ш. Советская биржа труда в переходной период. – Флоренция, 1992. – С.138

39. Гафарли М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.252.

40. Гафарли М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.249.

41. Гетланд С., Хайкок Ж. “Инвестиция и здоровье”. Социальная политика ПРООН. 1995.; Кренхель М.Содействие планированию семьи. Проект ГТЦ. – Ташкент, 1997.; Мак Коннел К. Обзор деятельности женское НПО в Центральной Азии, –Ташкент, 1999; Хенкс Р. Гражданское общество и личность в Узбекистане. ПРООН, Комитет женщин Узбекистана. – Ташкент, 1999.; Ми Венди. Женщина в Республике Узбекистана. АБР.–Ташкент, 2000.